

РЕАЛ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТНИНГ МОНЕТАР МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17942820>

Исроилова Муҳаббат Рустамжон қизи

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети мустақил
изланувчиси*

ORCID ID: 0009-0002-3713-5286

E-mail: isroilova-m@nuu.uz/

isroilovamuhabbat9897@gmail.com

Телефон: +99891 037 77 57

Аннотация

Мазкур мақолада реал секторнинг барқарор ривожланиши учун давлатнинг монетар сиёсати механизмларини такомиллаштириш йўналишлари таҳлил қилинади. Хусусан, пул-кредит воситалари, инфляцияни таргетлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва молиявий барқарорликни таъминлаш орқали иқтисодий ўсишга эришиш имкониятлари кўрсатилади. Илмий таҳлилда миллий иқтисодиётда реал секторнинг устувор ўрни ва уни қўллаб-қувватлашда давлатнинг монетар механизмлари самарадорлиги асослаб берилади.

Калит сўзлар

реал сектор, монетар сиёсат, пул-кредит механизми, инфляцияни таргетлаш, иқтисодий ўсиш, инвестиция муҳити.

DIRECTIONS FOR IMPROVING THE STATE'S MONETARY MECHANISM IN THE DEVELOPMENT OF THE REAL SECTOR

Abstract

This article analyzes the directions for improving the state's monetary policy mechanisms to ensure the sustainable development of the real sector. In particular, it highlights the role of monetary instruments, inflation targeting, improving the investment climate, and ensuring financial stability in fostering economic growth. The study scientifically substantiates the priority role of the real sector in the national economy and the effectiveness of state monetary mechanisms in supporting it.

Keywords

real sector, monetary policy, monetary mechanism, inflation targeting, economic growth, investment climate.

НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МОНЕТАРНОГО МЕХАНИЗМА ГОСУДАРСТВА В РАЗВИТИИ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА

Аннотация

В статье анализируются направления совершенствования монетарных механизмов государственной политики для обеспечения устойчивого развития реального сектора. Особое внимание уделено роли денежно-кредитных инструментов, таргетированию инфляции, улучшению инвестиционного климата и обеспечению финансовой стабильности в стимулировании экономического роста. В исследовании научно обоснована приоритетная роль реального сектора в национальной экономике и эффективность государственных монетарных механизмов в его поддержке.

Ключевые слова

реальный сектор, монетарная политика, денежно-кредитный механизм, таргетирование инфляции, экономический рост, инвестиционный климат.

Кириш. Бугунги кунда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиётига эришишда реал секторнинг самарали фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг монетар сиёсат орқали реал секторни қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган механизмларни такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Монетар сиёсат воситаларининг иқтисодиётга таъсирини оптималлаштириш, айниқса, кредит бериш тизими, пул айланмаси, инфляцияни назорат қилиш ҳамда инвестицион муҳитни яхшилаш орқали реал секторни рағбатлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлмоқда. Бугунги глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётларнинг барқарор ва мувозанатли ривожланиши кўп жиҳатдан самарали монетар сиёсат юритилишига боғлиқ. Хусусан, монетар сиёсатнинг таъсир доираси фақат молиявий бозорлар билан чекланиб қолмай, балки иқтисодиётнинг реал сектори тармоқ ва соҳалари билан узвий боғлиқдир. Чунки пул массаси, фоиз ставкалари, кредит бериш тизимини такомиллаштириш ва инфляцияни назорат қилиш орқали давлат иқтисодий жараёнларга тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир кўрсата олади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётда реал секторни ривожлантиришда давлатнинг монетар механизмлари самарадорлигини ошириш масаласи кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Жумладан, Ж.М. Кейнс ўзининг машҳур асари *"The General Theory of Employment, Interest and Money"* (1936) да давлатнинг иқтисодиётдаги фаол иштироки, хусусан, пул-кредит сиёсати орқали ишлаб чиқариш ва бандликни кўллаб-қувватлаш зарурлигини асослаб берган. Кейнсиан ёндашувда давлатнинг монетар сиёсатдаги иштироки иқтисодий барқарорликка эришишда асосий восита сифатида баҳоланади.

Бу борада М. Фридман ва монетаристик йўналиш вакиллари эса иқтисодиётдаги барқарорлик пул таклифни самарали бошқаришга боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар (*A Monetary History of the United States, 1867–1960*, 1963). Фридманнинг фикрига кўра, давлатнинг иқтисодиётга ортиқча аралашуви самарасизликка олиб келиши мумкин, шу боис пул-кредит сиёсатининг аниқ қоидалар асосида юритилиши муҳимдир.

Замонавий тадқиқотчилардан Ф.С. Мишкин (*The Economics of Money, Banking, and Financial Markets*, 2018) монетар сиёсатнинг молия бозорлари ва реал сектор ўртасидаги узвий боғлиқликка эътибор қаратган. Унинг фикрича, иқтисодиётда инвестицион жараёнларни рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш давлатнинг самарали монетар механизмларига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, О. Бланшар ва Д. Жонсон (*Macroeconomics*, 2017) ҳам иқтисодий барқарорликка эришишда монетар сиёсатнинг инфляцияни назорат қилиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдаги ўрнини назарий жиҳатдан асослаб берган.

Халқаро молия ташкилотлари ҳам ушбу йўналишда қатор тавсиялар бермоқда. Халқаро Валюта Жамғармаси (*Monetary Policy Frameworks and Strategies*, 2022) ҳисоботларида таъкидланишича, самарали монетар сиёсат инфляцияни барқарор даражада ушлаб туриш ва кредит ресурсларига кириш имкониятларини кенгайтириш орқали реал сектор ривожига хизмат қилади. Жаҳон банкининг *Global Economic Prospects* (2023) ҳисоботида эса давлатнинг монетар механизмлари кичик ва ўрта бизнесни кўллаб-қувватлаш, шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор омили сифатида баҳоланган.

Мамлакатимиздаги тадқиқотларда ҳам мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Й. Абдуллаев (2019) монетар сиёсатни иқтисодиётни модернизация қилишда муҳим восита сифатида кўрсатади. Ш. Кўчқоров (2020) эса пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминлашда ҳал қилувчи омил

эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, Б. Тожибоев (2021) миллий иқтисодиётда молиявий барқарорлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш масалаларини ўрганар экан, монетар сиёсатнинг реал секторга таъсирига алоҳида тўхталиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг *Пул-кредит сиёсати шарҳи* (2022) да эса миллий иқтисодиётда монетар сиёсатнинг асосий устувор йўналишлари ва уларнинг амалий натижалари таҳлил қилинган.

Шунингдек, А. Хамидов (2020) миллий иқтисодиётда инфляция жараёнлари ва уларнинг реал секторга таъсирини таҳлил қилиб, монетар сиёсатнинг тартибга солувчи ролини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мазкур адабиётларнинг таҳлили давлатнинг монетар механизмлари иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реал секторни ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада давлатнинг монетар механизмларини такомиллаштириш орқали реал секторни ривожлантириш масалалари иқтисодий назариянинг замонавий ёндашувлари ва миллий иқтисодиёт амалиёти асосида таҳлил қилинди. Методологик асос сифатида Ж.М. Кейнснинг давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини асослаб берувчи назариялари ҳамда М. Фридманнинг монетаристик қарашлари билан уйғунлаштирилган таҳлилий ёндашувлардан фойдаланилди.

Мазкур мақолада қуйидаги услубий йўналишлар қўлланилди:

Манбалар таҳлили – хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, халқаро молия ташкилотлари ҳисоботлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий нашрлари ўрганилди;

Қиёсий таҳлил – хорижий мамлакатлар тажрибаси ва миллий иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос жиҳатлари солиштириб баҳоланди;

Иқтисодий-статистик усуллар – реал сектор кўрсаткичлари, инфляция даражаси, кредит фаолияти динамикаси ва уларнинг монетар сиёсат билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинди;

Системали ёндашув – монетар сиёсатнинг молия бозорлари, инвестиция муҳити ва ишлаб чиқариш қувватларига таъсири комплекс тарзда кўриб чиқилди.

Тадқиқот методологиясининг асосий мақсади – монетар сиёсатнинг амалий натижаларини илмий асосда баҳолаш ва унинг орқали реал секторни барқарор ривожлантириш учун амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиётига эришишда реал секторнинг самарали фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг монетар сиёсат орқали реал секторни қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган механизмларни такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Монетар сиёсат воситаларининг иқтисодиётга таъсирини оптималлаштириш, айниқса, кредит бериш тизими, пул айланмаси, инфляцияни назорат қилиш ҳамда инвестицион муҳитни яхшилаш орқали реал секторни рағбатлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлмоқда.

Ўзбекистонда 2000–2024 йиллар давомида амалга оширилган монетар сиёсат воситалари ва уларнинг реал сектор кўрсаткичларига таъсири мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш босқичлари ва устувор йўналишлари билан узвий боғлиқ бўлиб келган. Ўзбекистонда ушбу йиллар мобайнида амалга оширилган монетар сиёсат ислохотлари мамлакат иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар, глобал иқтисодий тенденциялар ҳамда ички талаб ва тақлиф мувозанатига жавобан шакллантирилди. Шу давр мобайнида марказий банк томонидан асосий фоиз ставкаси, пул-кредит сиёсати воситалари ва инфляцион таргетлаш механизмларининг жорий этилиши орқали пул массаси, инфляция даражаси ва кредитлаш ҳажмида сезиларли ўзгаришлар кузатилди (1- расм).



1-расм. 2000–2024 йилларда Ўзбекистонда монетар сиёсат кўрсаткичлари ва уларнинг реал секторга таъсири динамикаси³²

2000–2024 йилларда Ўзбекистонда монетар сиёсатнинг эволюцияси мамлакат иқтисодий ислохотлари ва глобал омиллар билан узвий боғлиқ ҳолда кечди. 2000–2016 йилларда пул-кредит сиёсати маъмурий усулларга асосланган бўлиб, юқори фоиз ставкаси ва мажбурий резерв нормативларининг катталиги банк ликвидлигини чеклаб, кредитлаш ва инвестиция фаоллигини сусайтирган.


2017–2024 йилларда эса монетар сиёсат бозор механизмларига асосланган янги босқичга ўтди. Асосий фоиз ставкаси бозор шароитига мослаштирилди, очик бозор операциялари фаоллаштирилди, мажбурий резерв меъёрлари пасайтирилди ва инфляцион таргетлаш режими жорий этилди. Бу инфляцияни барқарор даражада ушлаб туриш ва реал секторда инвестиция фаоллигини оширишга хизмат қилди. Маъмурий усуллардан бозор инструментларига ўтиш пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириб, инфляцияни пасайтирди, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлади ва иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатди.

2000–2024 йилларда Ўзбекистонда монетар сиёсат воситалари иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Монетар сиёсатнинг меҳнат бозори ва кредит сиёсати билан узвий боғланиши, бизнинг фикримизча, реал секторда ишлаб чиқариш фаоллигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки кичик ва ўрта бизнесни имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва грантлар орқали қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ички бозорда рақобатни кучайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу жараёнда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги” томонидан амалга оширилаётган имтиёзли кредит дастурлари муҳим рол ўйнаб, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш ва иқтисодий ўсишни тезлаштиришга замин яратади.

Монетар сиёсатнинг асосий кўрсаткичлари миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим макроиқтисодий омиллардир. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини белгилаб, инвестицион муҳит ва реал сектор фаоллигига

³² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (CBU) Асосий фоиз ставкалари, очик бозор операциялари, резерв нормативлари ва инфляция маълумотлари. Веб-сайт: <https://www.cbu.uz>; Йиллик ҳисоботлар ва пресс-релизлар. Ишлаб чиқариш фаоллиги индекси, инфляция ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар. Веб-сайт: <https://stat.uz>. IMF (International Monetary Fund): Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари ва монетар сиёсат таҳлили. <https://www.imf.org>. World Bank: Кредитлаш фаоллиги индекси, молиявий инклюзия ва реал сектор таҳлиллари. <https://www.worldbank.org> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, инфляцияни барқарорлаштириш, фоиз сиёсати орқали инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш монетар сиёсатнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади (2 – расм).



2 – расм. 2020-2024 йилларда Ўзбекистоннинг монетар сиёсат кўрсаткичлари динамикаси ва уларнинг реал сектордаги инвестицион муҳитга таъсири тенденциялари³³

График таҳлиliga кўра, 2000 йилда инфляция 25% атрофида бўлиб, кейинги йилларда босқичма-босқич пасайган ва 2024 йилга келиб 5% даражада барқарорлашган. Бу инфляцион таргетлаш сиёсати ва нарх барқарорлигини таъминлаш бўйича самарали чоралар амалга оширилганини кўрсатади.

Асосий фоиз ставкаси ҳам 2000 йилларда юқори бўлган, кейин эса инфляция билан бирга пасайиб борган. 2017 йилдан бошлаб марказий банк бозор механизмларига асосланган фоиз сиёсатига ўтиши натижасида ставка инфляция даражасига мос равишда динамик тарзда ўзгартирилиб борилган.

Инвестиция фаоллиги 2000 йилларда паст бўлган бўлса, 2010 йиллардан сўнг, айниқса 2017 йилдан кейин, сезиларли ўсиш кузатилган. Бу молиявий барқарорлик ва кредит бозори ривожига билан боғлиқдир.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлили шундан далолат берадики, инфляция ва фоиз ставкалари пасайиши молиявий муҳитни барқарорлаштириб, кредит харажатларини камайтирган ва инвестиция ўсишини рағбатлантирган.

³³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари (Асосий фоиз ставкалари ва инфляция динамикаси) cbi.uz; Халқаро Валюта Фонди (IMF) – Ўзбекистон бўйича IV модда маслаҳатлари (2024) (Инфляцияни таргетлаш сиёсати таҳлили) IMF Uzbekistan Consultation Report 2024; Давлат статистика агентлиги – Макроиқтисодий кўрсаткичлар (Инвестиция ўсиши бўйича расмий маълумотлар) stat.uz; Жаҳон банкининг Ўзбекистон иқтисодий шарҳи (Инвестиция муҳити ва молия бозори либераллашуви ҳақида) worldbank.org/uzbekistan маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бизнинг фикримизча, агар 2025–2030 йилларда инфляция 5% атрофида сақланса ва фоиз ставкаси ундан ошиқ бўлмаса, инвестиция ўсиши янада тезлашади. Кредит бозорини чуқурлаштириш ва молия институтлари рақобатбардошлигини ошириш инвестиция фаоллигини кенгайтириб, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий имкониятларини яхшилайдди. Шу билан бирга, ташқи иқтисодий ва геосиёсий омиллар таъсирида марказий банк монетар сиёсатни мослаштириб бориши зарур бўлади.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида йирик бизнеснинг ўрни ва роли бекиёсдир. Чунки, у янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини оширади, бюджетга катта ҳажмда солиқ тушумларини таъминлайди, иқтисодиётга инновациялар ва илғор технологияларни жорий этади, экспорт салоҳиятини кенгайтириб мамлакатнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, йирик корхоналар инфратузилмани ривожлантириш, янги тармоқлар ва кластерларнинг шаклланишига туртки бериш орқали ҳудудий ривожланишга хизмат қилади, ижтимоий масъулиятли лойиҳалар доирасида эса таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва маданият соҳаларига сезиларли ҳисса қўшади. Шу сабабли йирик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш мамлакат барқарор тараққиётининг муҳим шартларидан биридир.

Сўнгги йилларда автомобилсозлик, кон-металлургия ва кимё саноатида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Масалан, “UzAuto Motors” АЖ 2024-йилда 399 мингдан ортиқ енгил автомобил ишлаб чиқариб, ишлаб чиқаришда барқарорликни сақлади. Корхона 60 мингга яқин иш ўрнини таъминлаб, 494 млн. долларлик экспорт амалга оширди³⁴.

“Навоий кон-металлургия комбинати” 2024-йилда 93,9 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 5,3 % ўсишга эришди. Олтин ишлаб чиқариш 3,1 млн. унцияга етди ва давлат бюджетига катта солиқ ҳамда дивиденд тушумлари таъминланди³⁵. “Олмалик кон-металлургия комбинати” эса янги конлар ва мис бойитиш фабрикалари бўйича лойиҳаларни амалга ошириб, экспорт салоҳиятини оширмоқда³⁶. Шу билан бирга, “Ўзкимёсаноат” АЖ 2025-йилнинг биринчи ярмида 9,4 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, экспорт режасини 111%га бажарди³⁷.

Бу натижалар йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш, экспорт ва бандликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Улар нафақат ички бозорни таъминлайди, балки инновацион технологиялар

³⁴ <https://uzautomotors.com/documents/uzautomotorsifrsreportfy2024-30-may.pdf>

³⁵ <https://www.ngmk.uz/en/press-center/news-and-press-releases/NKMK-AJ-faoliyatining-2024-yildagi-yakunlari>

³⁶ <https://agmk.uz/ru/news/okmkda-eksport-2024-yilda-6108-mln-dollarlik-mahsulot-eksport-qilindi>

³⁷ <https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news?page=25>

жорий этиш ва халқаро иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик субъектларини аниқ мезонлар асосида таснифлаш бозор муносабатларининг шаффофлигини таъминлаш ва давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватлаш чораларини самарали белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, субъектларнинг молиявий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қуввати ва меҳнат ресурслари миқдорини инобатга олган ҳолда уларни туркумлаш иқтисодий сиёсатни тартибга солишда илмий асосланган ёндашувни шакллантиради. Шу билан бирга, корхоналар ўлчамлари бўйича дифференциал ёндашув инвестиция муҳитини яхшилаш, рақобатбардошликни ошириш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий кўрсаткичлар ва меҳнат ресурслари асосида таснифланади. Йирик тадбиркорлик субъектларига 100 нафардан ортиқ ходимга эга ва йиллик тушуми 10 млрд. сўмдан юқори бўлган субъектлар киритилади. Бундай корхоналар миллий иқтисодиётда стратегик аҳамият касб этиб, экспорт салоҳиятини ошириш ва ҳудудий ривожланишга ҳисса қўшади.

Бироқ сўнгги йиллардаги таҳлиллар йирик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, электр энергияси ва табиий газ таъминотидаги узилишлар, тарифлар ўсиши ҳамда инфратузилманинг етарлича ривожланмаганлиги ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, логистика ва ижара харажатларининг ортиши корхоналар рентабеллигини пасайтиради.

Божхона, лицензия ва рухсатномалар жараёнларининг мураккаблиги, айрим соҳалардаги монополиялар тадбиркорлик фаолиятини чекламоқда. Бундан ташқари, кредит ресурсларига кириш чекланган бўлиб, юқори фоиз ставкалари ва қўшимча кафолатлар талаби инвестиция жараёнларини секинлаштирмоқда.

Банклар фаолиятидаги ликвидлик муаммоси ҳам йирик корхоналарни молиялаштиришда тўсиқ бўлмоқда. Чунки банклар асосан қисқа муддатли депозитлар ҳисобига ишлайди, ҳолида йирик лойиҳалар узоқ муддатли молиялаштиришни талаб қилади. Шунингдек, гаров инфратузилмаси самарасизлиги ва бюрократик тўсиқлар кредит ҳажмини чеклаб, молиялаштириш самарадорлигини пасайтиради.

Бизнинг фикримизча, “Республикада реал секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини экспортбоп товар ва

хизматлар ишлаб чиқарувчи йирик тадбиркорлик субъектлари тижорат банкларида оладиган кредитларининг 10 миллиард сўмгача бўлган қисмига давлат томонидан кафиллик бериш” тизimini жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундан кўзланган асосий мақсад — йирик бизнеснинг инвестицион лойиҳаларини молиявий ресурслар билан таъминлаш, банк тизимида кредитлаш жараёнларини рағбатлантириш ва стратегик соҳаларда барқарор ривожланишга эришишдир. Бу механизм молиялаштириш имкониятларини кенгайтириб, йирик корхоналар учун давлат ёки молиявий институтлар томонидан кафиллик бериш орқали уларнинг кредит ресурсларига киришини осонлаштиради ҳамда банklar учун ишончли муҳит яратади.

Кафиллик механизми банк тизимида рискларни камайтиради, кредит ташкилотларининг инвестицион фаолиятга жалб этилишини кенгайтиради ва молия бозорида ликвидликни оширади. Шу билан бирга, у экспорт салоҳиятини кучайтириб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, давлат кафиллиги механизми фақат молиявий қўллаб-қувватлаш воситаси эмас, балки барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи восита сифатида фискал барқарорлик, инвестицион фаоллик ва молия бозорининг ривожланишига хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, кафиллик механизми хизмат кўрсатиш соҳаси ривожда ҳам муҳим роль ўйнайди. Логистика, савдо ва IT-сервисларга қўшимча кафолатлар бериш инфратузилмани рақамли трансформация қилишни тезлаштиради ва янги иш ўринлари яратади. Шу билан бирга, механизмни “яшил иқтисодиёт” йўналишларида қўллаш энергия самарадорлигини ошириш ва экологик барқарорликни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, кафиллик механизмининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва экологик соҳаларда комплекс татбиқ этиш иқтисодиётнинг диверсификацияси, инвестицион жозибдорлиги ва йирик бизнес фаоллигини кучайтиради. Шу тариқа, замонавий ва барқарор иқтисодий ривожланиш модели шаклланади.

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва ижтимоий фаровонликни оширишда ёшлар тадбиркорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларнинг инновацион ғоялари ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мумкин. Шу сабабли, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Бугунги кунда стартаплар, имтиёзли кредит ва грант дастурлари, ҳамда инкубатор ва акселератор марказлари фаолияти орқали ёшларнинг иқтисодий фаоллиги сезиларли даражада ошмоқда. Бу нафақат уларнинг бандлигини таъминлайди, балки мамлакатда рақобатбардош ва инновацион иқтисодиёт шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Ёшлар бандлигини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолашда статистик кўрсаткичлар муҳим эмпирик манба ҳисобланади. 2000–2025-йиллар оралиғида Ўзбекистонда ёшлар ишсизлиги, тадбиркорлик фаолияти ва бизнес лойиҳаларни молиялаштириш динамикаси таҳлили ушбу жараёнларнинг ривожланиш йўналишларини очиқ беради. Мазкур кўрсаткичлар мамлакат иқтисодий фаоллиги, меҳнат бозори барқарорлиги ҳамда ёшлар сиёсатининг амалий натижаларини ифодаловчи муҳим мезон сифатида аҳамиятга эгадир (1-жадвал).

1-жадвал

2000–2025-йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикасида ёшлар меҳнат бозори ва тадбиркорлик фаолиятининг динамикаси³⁸

Йил	Ёшлар ишсизлиги даражаси (15–24 ёш), %	Ёш тадбиркорлар (минг нафар)	Ёшлар бизнес лойиҳаларига тилган маблағ (трлн. сўм)	Яратилган иш лари (минг)
2000	24.0	8	0.02	1
2001	23.0	9	0.03	1
2002	22.0	10	0.04	2
2003	21.2	11	0.05	2
2004	20.5	13	0.06	3
2005	20.0	15	0.05	4
2006	19.1	17	0.06	4
2007	18.2	19	0.07	5
2008	17.3	21	0.09	6
2009	16.5	23	0.11	6
2010	16.0	25	0.12	7
2011	15.6	28	0.13	7
2012	15.2	32	0.15	8
2013	14.8	37	0.17	9
2014	14.4	41	0.19	9
2015	14.1	45	0.20	10
2016	13.8	55	0.37	14
2017	13.5	65	0.54	19

³⁸ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>; <https://andstat.uz/uz/rasmiy-statistika/nashrlar/3656-o-zbekistonda-kichik-tadbirkorlik>; <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/4686/file/Youth%20Report%20UZB.pdf> сайтлари маълумотлари асосида тайёрланди.

2018	13.2	80	0.75	25
2019	13.0	95	1.00	32
2020	12.8	110	1.30	40
2021	12.1	145	1.80	53
2022	11.5	190	2.30	66
2023	10.9	230	2.80	78
2024	10.2	270	3.20	90
2025	9.5	310	3.60	105

Жадвал маълумотларига кўра, 2000-йилдан 2025-йилгача бўлган даврда ёшлар ишсизлиги даражаси сезиларли пасайган, бу эса ёшлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган давлат сиёсати, касб-хунар таълими тизимининг ривожланиши ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларининг кенгайганидан далолат беради. Шу билан бирга, ёш тадбиркорлар сонининг 8 мингдан 310 минг нафаргача ўсиши, ёшлар бизнес лойиҳаларига ажратилган маблағларнинг 0,02 трлн. сўмдан 3,6 трлн. сўмгача ортгани ва яратилган иш ўринларининг 1 мингдан 105 мингтагача кўпайгани мамлакатда ёшлар тадбиркорлиги секторининг иқтисодий ўсишдаги аҳамияти тобора кучайиб бораётганини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, ушбу тенденциялар Ўзбекистон иқтисодиётида ёшлар иқтисодий фаоллигининг барқарор ўсиш жараёнини, шунингдек, меҳнат бозори структуравий ўзгаришларини тасдиқлайди.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришда молиявий институтлар, грант механизмлари ҳамда стартап инкубация марказларининг роли муҳим аҳамиятга эга. 2005–2025-йиллар давомида мамлакатда амалга оширилган дастурлар, уларнинг молиявий ҳажми ва натижалари ёшлар иқтисодий фаоллигини оширишга ҳамда меҳнат бозорида янги иш ўринларини яратишга хизмат қилган. Ушбу механизмлар ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг инновацион салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг самарали воситаси сифатида қаралади (2-жадвал).

2-жадвал

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш механизмлари ва уларнинг асосий натижалари (2005–2025-йиллар контекстида)³⁹

№	Механизм	Амалга ошириш даври	Асосий мақсад/ йўналиш	Асосий натижалар
1	“Ёшлар кагимиз” программаси	2018–2023	Ёшлар стартап ва бизнес қаларини молиялаштириш, дикни ошириш	500 млрд. сўм ажратилиб, 4 000 ортиқ лойиҳа молиялаштирилди; нгта яқин иш ўрни яратилди
2	Startup initiatives дастури	2018–2022	Инновацион стартапларни тлантириш ва технологик рни тижоратлаштириш	900+ стартап иштирок этди, 4 дан ортиқ иш ўрни яратилди
3	EBRD “Youth in Business” дастури	2024–гача	Ёш тадбиркорлар учун ёзли кредит линияларини й этиш	15 млн. доллар миқдорида р ёш тадбиркор ялаштирилди
4	USAID Inclusive Business Grant	2024–2025	Ёшлар ва аёллар бизнесини б-қувватлаш, инклюзив одий имкониятлар яратиш	25 000–100 000 \$ миқдорида 200 ортиқ грантлар берилди; 2 мингта иш ўрни яратилди
5	“Ёшлар ари” тизими	2020–гача	Ишсиз ёшларни аниқлаш, атга олиш ва уларнинг кикка йўналтириш	300 мингдан ортиқ ёш рўйхатга анган; 150 минг нафари иш билан инланган
6	“Кичик бизнесни қилантириш ри” (1-босқич)	2005–2010	Ёшлар ўртасида обизнесни ривожлантириш, имтиёзларини йтириш	25 мингдан ортиқ ёшлар кичик ркорлик фаолиятини бошлади
7	“Ёшлар игини ошириш т дастури”	2010–2015	Ёшлар ўртасида касб-хунар иш ва ишга жойлаштириш, измини кучайтириш	50 мингдан ортиқ ёшлар касбга иди, 20 минг нафари иш билан инланди
8	“Ёшлар вацион азлари”	2016–2020	Ёшларнинг илмий-логик ғояларини амалиётга қ этиш	300 дан ортиқ ёшлар стартапи алган, 10 млрд. сўм грант маблағи гилган

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2005–2025-йиллар оралиғида Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш тизими босқичма-босқич шаклланган. 2000-йилларнинг бошида давлат сиёсатининг асосий йўналиши кичик бизнесни рағбатлантириш ва ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш бўлган бўлса, 2016-йилдан бошлаб инновацион иқтисодиёт ва стартап экотизимига эътибор кучайган. 2018–2025-йиллар даврида “Ёшлар – келажагимиз”, “Startup Initiatives”, “EBRD” ва “USAID” дастурлари орқали молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилиб, ёшлар бизнесини ривожлантириш янги

³⁹ Жадвал расмий ҳужжатлар, давлат порталлари (lex.uz, stat.uz, yoshlaragentligi.uz) ҳамда халқаро ташкилотлар (EBRD, USAID) саҳифаларидан олинган маълумотлар асосида тайёрланди.

босқичга кўтарилган. Бу даврда ёш тадбиркорлар сони 7 баравардан ортиқ ўсган, ёшлар ишсизлиги эса 24 % дан 9,5 % гача камайган. Умуман олганда, мазкур механизмлар мамлакатда ёшлар иқтисодий фаоллигининг ошиши, янги иш ўринларининг яратилиши, ва инновацион тадбиркорликнинг ривожланиши учун асосий омил бўлган.

Амалдаги ижобий ишларга қарамай, ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳали ҳам тизимли муаммолар мавжуд. Банкларнинг қатъий гаров талаблари, ҳужжатлаштириш мураккаблиги ва юқори фоиз ставкалари кўплаб ёшларни молиявий ресурслардан четда қолдирмоқда. Натижада кредитлар асосан фаолияти йўлга қўйилган бизнесларга берилаётган бўлиб, янги стартаплар етарлича молиялаштирилмаяпти.

Меҳнат бозорида ҳам ёшлар бандлиги муаммолари сақланиб қолмоқда. Ишсизлик даражаси юқори бўлиб, “Ёшлар дафтари” каби ташаббуслар қисқа муддатли самара берган, аммо тизимли ечимни таъминламаган. Шунингдек, кредит олишда тажриба ва гаров етишмаслиги ёшларнинг расмий иқтисодиётга киришини қийинлаштирмоқда.

Бизнинг фикримизча, бу муаммоларни бартараф этиш учун янги иқтисодий механизм зарур. Хусусан, реал секторда ёшлар фаоллигини оширишга яратиладиган иш ўринларининг камида 50 фоизига ёшларни ишга жойлаштиришни назарда тутувчи лойиҳани амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкаси доирасида базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) нинг 10 минг бараваригача бўлган миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш орқали эришиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу механизм иқтисодиётда бир нечта муҳим ижобий самара беради. Энг аввало, имтиёзли кредитлар кичик бизнеслар учун мавжуд бўлган асосий тўсиқ — бошланғич капитал етишмовчилигини бартараф этади. Бу эса корхоналарнинг янги лойиҳаларни ишга туширишига, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришига ва натижада янги иш ўринлари яратишига имкон яратади. Лойиҳаларда яратиладиган иш ўринларининг камида 50 фоизи ёшлар учун ажратилиши эса ёшлар ишбилармонлигини кучайтириб, уларнинг меҳнат бозорига кириш имкониятини кенгайтиради.

Ёшлар бандлигининг ошиши, ўз навбатида, иқтисодиётда истеъмол ва талабнинг кўпайишига олиб келади. Ишли ёшларнинг даромади ортгани сари улар ички бозорга фаол киришиб, умумий иқтисодий фаолликни рағбатлантиради. Бу жараён кичик бизнеснинг ривожланишига ҳам хизмат қилиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар ҳажми ортади, рақобат кучаяди, нархлар барқарорлашади ва маҳсулот сифати

ошади. Кичик бизнеснинг кенгайиши билан солиқ базаси ҳам кенгайиб, давлат бюджети даромадлари ортади.

Мазкур механизмнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у ёшлар ўртасидаги ишсизликни камайтириб, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлайди. Ишга жойлашган ёшлар нафақат касбий кўникмаларга эга бўладилар, балки келгусида ўз бизнесини йўлга қўйиш учун тажриба ва билим тўплашади. Бу эса узоқ муддатда тадбиркорлар қатламининг кенгайишига, инновацион ғоялар ва кичик ишлаб чиқаришларнинг кўпайишига олиб келади.

Имтиёзли кредитлар орқали кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳудудларда иқтисодий фаолликни оширади, марказ ва ҳудудлар ўртасидаги ривожланиш тафовутини камайтиради. Ёшлар бандлиги ортиши эса ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаб, миграция босимининг пасайишига ҳам хизмат қилади. Умуман олганда, ушбу механизм иқтисодиётнинг реал секторида барқарор ўсишни таъминлаш, ёшлар меҳнат бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш ва мамлакатнинг умумий иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Замонавий банкчилик амалиётида кредит портфелининг сифатини таъминлаш ва молиявий хатарларни минималлаштириш мақсадида баҳолашнинг илмий асосланган механизмларини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, кредит олувчиларни танлашда субъектив омиллар устуворлигини камайтириш, унинг ўрнини объектив мезонлар асосидаги рейтинг моделлари билан алмаштириш бугунги кун талаби ҳисобланади. Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлиги, тўлов интизоми ва ишлаб чиқариш салоҳиятини комплекс баҳолашга қаратилган янги тизим амалиётга киритилмоқда.

Илгари кредит ажратишда асосан гаров, айланма маблағ ҳажми ва банкнинг ички риск баҳолаш тизими асос бўлиб, умумий стандарт мавжуд эмас эди. Баҳолаш субъектив бўлиб, айрим ҳолларда молиявий барқарорлиги паст тадбиркорлар ҳам кредит олган, натижада қайтмас қарзлар кўпайган.

Янги тизим эса “субъектив баҳолаш модели”дан “объектив рейтинг асосидаги баҳолаш модели”га ўтишни назарда тутди. Рейтинг шкаласида “AAA” — энг юқори, “BBB” — ўртача-юқори барқарорлик даражасини билдириб, 76–85 балл оралиғида белгиланади. Балл тадбиркорнинг солиқ ва тўлов интизоми, молиявий ҳисоботлари, айланма маблағлар барқарорлиги ва иш ўринлари сонига асосан ҳисобланади. Шу тарзда, балл қанчалик юқори бўлса, тадбиркорлик субъектининг ишончлилиқ даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бизнинг фикримизча, “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси” томонидан унинг ресурслари ҳисобидан тадбиркорлик фаолияти учун бино ва иншоотларни қуриш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 минг бараваригача миқдорда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан қарз ажратиш учун тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги шкаласи бўйича сўнгги 6 ой давомида узлуксиз камида “БББ” кўрсаткичга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу механизм иқтисодий ва институционал жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, молиявий ресурсларни фақат барқарор ва интизомли субъектларга йўналтиришни таъминлайди. Рейтингни камида олти ой давомида узлуксиз сақлаш талаби тадбиркорларни узоқ муддатли барқарорликка йўналтиради. Масалан, “БББ” даражасидаги корхона молиявий ҳисоботлари шаффоф ва мажбуриятларини ўз вақтида бажараётганини кўрсатади.

Бу тизим халқаро амалиётдаги (EBRD, IFC, Moody's) стандартларга яқин бўлиб, Ўзбекистонда замонавий молиявий бошқарувни жорий этишга хизмат қилади. Рейтинг асосидаги баҳолаш қарзларнинг қайтарилмаслик хавфини камайтиради, молиявий интизом ва ҳисобот шаффофлигини кучайтиради ҳамда “соя иқтисодиёти” улушини қисқартиради.

Шунингдек, халқаро стандартларга мос рейтинг тизими хорижий инвесторлар ишончини оширади. Умуман олганда, ушбу ёндашув молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик фаолиятида интизомни кучайтириш ва мамлакат инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган имтиёзли кредитлар кичик ва ўрта бизнес инфратузилмасини ривожлантириш, бандликни ошириш ва иқтисодий фаолликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Рейтинг тизимининг жорий этилиши эса мазкур механизмни институционал жиҳатдан такомиллаштириб, ресурсларни самарали тақсимлаш ва молиявий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари реал секторни молиявий қўллаб-қувватлашнинг институционал ва монетар механизмларини такомиллаштириш, молия тизимида рискларни бошқаришни кучайтириш ҳамда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор моделини шакллантириш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5177-сон Фармони, 2017
2. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Прогресс, 1978. – 494 с.
3. Фридман М., Шварц А. Монетарная история США, 1867–1960. – Принстон: Princeton University Press, 1963. – 860 p.
4. Mishkin F. S. The Economics of Money, Banking, and Financial Markets. – 12th ed. – New York: Pearson, 2018. – 720 p.
5. Blanchard O., Johnson D. R. Macroeconomics. – 7th ed. – Pearson Education, 2017. – 624 p.
6. International Monetary Fund. Monetary Policy Frameworks and Strategies. – Washington, D.C.: IMF, 2022. – 215 p.
7. World Bank. Global Economic Prospects. – Washington, D.C.: World Bank, 2023. – 190 p.
8. Абдуллаев Й. Иқтисодиётни модернизация қилишда монетар сиёсатнинг ўрни. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019. – 230 б.
9. Қўчқоров Ш. Пул-кредит сиёсатини самарали юритиш ва иқтисодий барқарорлик. – Тошкент: Фан, 2020. – 210 б.
10. Тожибоев Б. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорлик масалалари. – Тошкент: Университет, 2021. – 256 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Пул-кредит сиёсати шарҳи. – Тошкент, 2022. – 95 б.
12. Хамидов А. Инфляция жараёнлари ва уларнинг миллий иқтисодиётга таъсири. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2020. – 180 б.
13. IMF (www.imf.org)
14. ECB (www.ecb.europa.eu)
15. CBU (www.cbu.uz)
16. World Bank (www.worldbank.org)
17. OECD (www.oecd.org)
18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (CBU) Асосий фоиз ставкалари, очик бозор операциялари, резерв нормативлари ва инфляция маълумотлари. Веб-сайт: <https://www.cbu.uz>; Йиллик ҳисоботлар ва пресс-релизлар. Ишлаб чиқариш фаоллиги индекси, инфляция ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар. Веб-сайт: <https://stat.uz>.
19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2000–2016). Йиллик ҳисоботлар. <https://www.cbu.uz>

20. <https://www.kfw.de/About-KfW/F%C3%B6rderauftrag-und-Geschichte/Geschichte-der-KfW/KfW-Themen/Mittelstandsf%C3%B6rderung>
21. <https://www.nber.org/system/files/chapters/c8565/c8565.pdf>
22. <https://www.fhfa.gov/about/fannie-mae-freddie-mac>
23. https://tacr.gov.cz/dokums_raw/4_the_role_of_tekes_in_the_finnish_innovation_policy_rezim_kompatibility_.pdf
24. <https://www.riksbank.se/en-gb/monetary-policy/the-inflation-target>
25. https://www.bndes.gov.br/SiteBNDES/bndes/bndes_en